



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2015-yil, 19-sentabr. Shanba • 111 (32.014)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаёти-миздаги ўрни, моҳияти ва аҳамиятини, халқимизга мансуб меҳр-оқибат, шукроналик ва бағрикенглик рамзи эканини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармониға мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 24 сентябрь пайшанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2015 йил 24 сентябрь мамлакатимизда дам олиш кунини деб белгилансин ва байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 18 сентябрь

ШХТ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2015 йил 18 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг йигирма еттинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисида ШХТ МАТТ Кенгашининг аввал қабул қилинган қарорларини бажариш бўйича ШХТ МАТТ Ижроия қўмитасининг фаолияти маъқулланди.

ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси ва ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари чегара хизматлари экспортлар гуруҳининг 2016 йилга мўлжалланган иш режалари тасдиқланди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари биргаликда ўтказган «Марказий Осиё-Аксилтеррор — 2015» аксилтеррор машғулоти яқунларига юқори баҳо берилди.

ШХТ МАТТ фаолиятини ривожлантириш ва ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси учун мазкур давлатлар ваколатли органларининг қатор ходимлари ва ШХТ МАТТ Ижроия қўмитасининг маъмул ходимлари ШХТ МАТТ Кенгашининг ёрлиғи билан тақдирланди.

ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий ва кадрлар билан таъминлаш, ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан ҳам қатор қарорлар қабул қилинди.

ШХТ МАТТ Кенгашига раислик Ўзбекистон Республикасида Қозоғистон Республикасига ўтди.

ШХТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш муддати ва жойи келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик, амалий мулоқот ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

Пойтахтимиздаги «Ziyoda Art Textile» масъулияти чекланган жамиятида яқинда корхона ишчи-хизматчиларининг ташаббуси билан ЎзХДП бошланғич ташкилоти тузилди.



Санжар ШОТЎЛАҒАНОВ олган суратлар.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ҲАҚИДА ФИКР, МУЛОҲАЗА

ЕТАКЧИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Сиёсий партия тизимида бошланғич ташкилотлар фаолияти муҳим ўрин тутати. Партиянинг жамиятдаги мавқеи, таъсир кучи, аввало, унинг одамлар билан ишлашига, ҳамнафас, ҳамфикр бўлишига боғлиқ. Сиёсий партия илгари сураётган ғоялардан жамоатчилик кенг хабардор бўлиши, айти пайтда уларни қўллаб-қувватлаши керак. Албатта, бу ўз-ўзидан бўладиган жараён эмас.

Сиёсий партия бу борада бошланғич ташкилотларга суянади. Улар орқали электоратга яқин бўлади, аҳоли орасига, жамиятга чуқур кириб боради.

Шу боис ҳар бир партия бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратади. Мутахассисларнинг қайд этишича, бошланғич ташкилотнинг кучли бўлиши бир қатор омилларга, биринчи навбатда, етакчиларнинг салоҳиятига боғлиқ. Хўш, бошланғич ташкилот етакчиси қандай бўлиши керак? Бошланғич ташкилотларнинг ишини яхшилаш учун кўпроқ нималарга эътибор қаратиш лозим?

Давоми 2-бетда.

Бугун Бухорода 12200 нафарга яқин хотин-қиз ЎзХДП аъзоси. Халқ депутатлари вилоят Кенгашида 3, туман ва шаҳар Кенгашларида эса партиямиздан сайланган 17 нафар аёл депутат фаолият олиб бормоқда.

Хоразм вилоятида ЎзХДП Ҳаракат дастури доирасида шу йилнинг ўтган даври мобайнида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари томонидан 7 масала партия гуруҳларида, 4 масала доимий комиссияларда, бир масала сессияда муҳокама қилинди.

ЎзХДП ФРАКЦИЯСИНING ПОЗИЦИЯСИ

ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ТАКЛИФЛАРИ

«Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги янги таҳрирда қабул қилинган қонунда ўз ифодасини топди

Аввало, қандай масалалар қонунни янги таҳрирда қабул қилишга асос бўлди, деган саволга жавоб беришимиз керак. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ҳамда унга мувофиқ қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Вақт ўтгани, соҳага эътибор кучайгани сари қонунчиликни янада ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг спорт билан мунтазам шугулланишини ташкил этиш, тизимни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун қонун даражасида мустақамлаштириш лозим бўлган қатор масалалар юзага келди.



Ўзбекистон ХДП корхона ва иш берувчиларнинг тегишли ҳудудлардаги касб-ҳунар коллежларига бириктирилиши ҳамда мунтазам ҳаракатдаги «коллеж — корхона» алоқаларининг ривожланишини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан.

ШАХСИЙ ФИКР

ТАРҒИБОТ ТАЪСИР КУЧИ

нималарга боғлиқ!

Тарғибот одамларга ғоявий таъсир этишининг энг самарали усули ҳисобланади. Ғоялари кенг қўллаб-қувватланишини, жамиятда мустақам ўринга эга бўлишни, тарафдорларини кўпайтиришни, электорати манфаатларини самарали ҳимоя қилишни истган сиёсий партия, аввало, тарғибот ишларида жиддий эътибор қаратиши лозим.

Хўш, ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши бу борада қандай ишларни амалга оширмоқда? Тарғиботчилар гуруҳи фаолиятини янада кучайтиришга оид қандай таклифларини қўйиб боради?

Нурлан КИШАНОВ,
ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси ўринбосари:

— Тарғибот тадбирлари Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ЎзХДП Қорақалпоғистон республика, туман ва шаҳар кенгашлари қошидаги тарғибот гуруҳларида 187 нафар ҳаётий ва партиявий тахрибгага эга бўлган кишилар, сиёсатшунос олимлар, партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар фаолият олиб борапти.

Жорий йилда ўтказилган тадбирларда асосий эътибор «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури, мазкур ҳужжат асосида юртимизда қилинаётган ишлар, партия дастурий ғоялари, Сайловолди дастурини амалга ошириш юзасидан партия ташкилотлари, депутатларимиз томонидан илгари суриланган ташаббуслар тарғиботига қаратилмоқда.

«Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан 20 марта давра суҳбати ташкил этилиб, унда 600 нафарга яқин партия аъзоси қатнашди. «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулимиз!» лойиҳаси доирасида эса 39 тадбир ташкил этилди. Ўтказилган тадбирларда «Тарғиботчилар гуруҳи» аъзолари фаол иштирок этиб келмоқда.

Барчамизга маълумки, тарғибот-ташвиқот ишларида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларнинг аҳамияти катта. Шу боис сиёсий семинар ва ўқувларни юқори савияда ўтказишга ҳаракат қилаёмиз. Жорий йилнинг шу даврига қадар сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасида 200 га яқин ўқув-семинар ўтказилиб, уларда 8900 нафарга яқин партия аъзоси ва электорат вакили иштирок этди.

Мазкур ўқув йилида партия Қорақалпоғистон республика кенгаши томонидан ўтказилган сиёсий семинарлар асосида 7 номдаги услубий қўлланма тайёрланиб, барча минтақавий партия кенгашларига ўқув машғулоти ва оммавий-сиёсий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш учун юборилди.

Менимча, тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини ошириш учун энг аввало, одамлар орасида бўлиш, оддий кишилар билан ҳаётий мавзуларни муҳокама этиш, ҳудудлардаги мавжуд камчилик ва муаммоларни биргаликда таҳлил этиш лозим. Шунда одамлар бизни эшитида, давра суҳбатларида фаол иштирок этади, тарғибот таъсирчанлиги кучаяди. Тарғибот тадбирларини оддий, самимий руҳда, аҳоли билан очик мулоқот тарзида ташкил этиш яхши самара беради, деб ўйлайман. Бу борадаги тахриб таҳлили ҳам шундан далолат беради.

Шунингдек, тарғиботчилар илғор тахриблар, умумэтироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиши керак. Яна бир гап. Биз тадбирда мавзун муҳокама қилиш чоғида кўпроқ қийсий таҳлиллarga эътибор қаратишимиз керак. Бу одамлар онига тез таъсир қилади ва мавзуну чуқур англашига ёрдам беради.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

БЎКА ТУМАН КЕНГАШИ
СЕССИЯСИДА ДАВЛАТ ДАСТУРИ
ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



ЎзХДП Жамоатчилик қабулхонасига ким қандай мурожаат билан келмоқда?

БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ҲАҚИДА ФИКР, МУЛОҲАЗА

ЕТАКЧИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Дониёр КАРИМОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
сектор мудири:

— Бугун тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қаерда етакчида лидерлик салоҳияти етишмаса, у ерда иш юришмайди. Шу боис бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш учун аввало қўйи бўғин етакчиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Айни пайтда партиямиз бошланғич ташкилотлари сони 10 мингга яқин бўлиб, улар 403040 нафар аъзони бирлаштирган.

Жорий йил сентябр ойидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда барча ҳудудий кенгашларда Бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори ташкил этилди. Бундан қўзланган мақсад — бошланғич партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, олиб борилаётган тизимли ишларни мониторинг қилиш, зарур тавсиялар, тақлифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишдан иборат. БГП етакчиларини керакли қўлланмалар билан таъминлаш, уларга ҳар томонлама ёрдамлаштириш ҳам кўзда тутилган.

Ҳозир етакчилар учун кенг қамровли ўқув ташкил қилиш масаласини кўриб чиқяпмиз. Бу ўз фаолиги билан бошқаларга намуна бўлаётган етакчиларнинг иш тажрибасини омаллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини янада оширишда долзарб аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Бошланғич ташкилот етакчиларининг билими ва савиясини мунтазам равишда ошириб бориш зарур. Чунки ҳаёт доим ўзгаришда, жамиятимизда ижтимоий-сиёсий фаоллик кучайиб бормоқда. Турли тадбирларда, одатдаги қўндалик ҳаётда фуқаролар етакчиларга мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, сиёсий партиялар гоё ва мақсадлари

ҳақида савол беради. Етакчи сиёсий ҳуқуқий билимли бўлсагина, уларга жавоб бера олади, одамларни ўз ортидан эргаштиради.

Хурмат Юлдашев,
«Фаргона азот» ОАЖ корхона-сидаги бошланғич партия ташкилотининг етакчиси:

— Партия Сайловолди дастури қай даражада бажарилиши биринчи навбатда бошланғич ташкилотлар етакчиларининг сиёсий-ҳуқуқий билими ва маданиятига боғлиқ, деб ўйлайман. Чунки етакчи бевосита тарғибот билан шуғулланади. Партия дастурий мақсадларини кенг тушунтириш, аҳамиятли томонларини очиб бериш, уни содда тилда одамларга етказиш етакчининг маҳоратига боғлиқ. Шу боис ёш етакчилар ва янги ташкил этилган бошланғич партия ташкилот-

Бошланғич ташкилот етакчиси, энг аввало, самимий ва бағрикенг бўлиши лозим. Қачон инсон бошқалар билан самимий мулоқотда бўлса, унга ишонч ортади. Бошқача айтганда, одамлар етакчи орқали партиянинг гоё ва мақсадларига тўғри баҳо бера олади.

лари раисларининг амалий кўникмаларини ривожлантириш, тажрибасини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Айтиш керакки, корхонамизда партия аъзолари сони тобора ортиб борапти. Айни пайтда улар 572 нафарни ташкил қилади. Одамлар орти-

Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида янги таҳрирда қабул қилинган қонунга Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан киритилган тақлифлар бевосита аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масалаларни қамраб олди.



Тошкент иссиқлик электр марказидаги ЎзХДП бошланғич ташкилотига 20 нафар аъзо бирлашган.

миздан эргашмоқда. Бу корхонамизда бошланғич ташкилот иши яхши йўлга қўйилганидан бўлса керак.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Бошланғич ташкилот етакчиси аъзолар билан ҳамнафас, турмуш шaroитларидан хабардор бўлиши лозим. Етакчи уларга ҳар томонлама ёрдам бериши керак. Бошланғич ташкилотларга ҳомийлар бириктириш масаласи ҳақида ҳам ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқ бўлади, менимча.

Мирзохид МАМАСОЛИЕВ,
Андижон вилоят «Водийгаз-таъминот» унитар корхонаси
«Қорасувшаҳаргаз» филиалидаги
ЎзХДП бошланғич ташкилоти
етакчиси:

— Ҳозир бошланғич ташкилотимиз аъзолари 40 нафарни ташкил қилади. Ташкилотимиз томонидан давлат дастурлари ижросини таъминлаш, электротармоқ манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий-сиёсий саводхонлигини ошириш бўйича режа-

ли ишлар олиб боришмоқда. Бир ёкадан бош чиқариб, бир-биримизни қўллаб-қувватлашга интиляпмиз. Чунки бирдамлик бор жойда янги-янги гоёлар, тақлифлар пайдо бўлади.

Ўйлашмиш, бошланғич ташкилот етакчиси, энг аввало, самимий ва бағрикенг бўлиши лозим. Қачон инсон бошқалар билан самимий мулоқотда бўлса, унга ишонч ортади. Бошқача айтганда, одамлар етакчи орқали партиянинг гоё ва мақсадларига тўғри баҳо бера олади. Шунингдек, етакчи ўз номи билан етакчилик қобилиятига эга бўлмоғи зарур. Ўз ишини пухта билиши, ЎзХДПнинг дастурий мақсадларини чуқур англаши, ўзгаларга тушунтириб бера олиши керак. Шунда у одамларни ортидан эргаштириши мумкин.

Яна бир гап. Бошланғич ташкилот етакчиси ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоғи зарур. Мисол учун, баъзан бизга ўз бизнесини бошлаш

учун нималарга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида саволлар бўлади. Унга жавоб бериш учун биз, етакчилар иқтисодий механизмлар, бозор иқтисодиёти тўғрисида ҳам етарли тушунчага эга бўлишимиз керак. Шунинг учун етакчилар ўртасида нафақат сиёсий мавзуда, балки иқтисодий семинарлар ҳам ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади, назаримда.

Дарҳақиқат, етакчида тажриба, билим етишмаса, бу ташкилотда иш унумдорлиги юқори бўлмайди. Шунинг учун сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга тадбирларни кўпроқ қуйида ташкил қилиш, етакчиларга ўзаро тажриба алмашиш имконини берадиган усулларни амалиётга кенг жорий этиш лозим, деб ўйлаймиз.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ТАНЛОВ

Қашқадарё вилояти Касби туманида «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг дастлабки босқичи бўлиб ўтди. Унда партиямиз сафидаги фаол хотин-қизлар 3 шарт бўйича беллашди.

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ЭНГ ФАОЛ АЁЛИ»

Танлов шартларига кўра, иштирокчилар мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқишга қўмаклашиш, ЎзХДП Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш масалаларида сиёсий билимларини намоён этиши. Долзарб мавзулардаги ижтимоий лойиҳаларини тақдим қилиши.

Қатнашчиларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Тумандаги 2-мактабга таълим муассасаси мудири Азиза Мухторова голиб деб топилди ва вилоят босқичига йўланма олди. Иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Музаффар ТУРОПОВ

ДАВРА СУҲБАТИ

КЕКСАЛАР ЭЪЗОЗДА

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида туман партия кенгаши «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Унда «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими, туман бандликка қўмаклашиш маркази вакиллари, Жўқорий Кенгесдаги ЎзХДП фракцияси, халқ депутатлари Тўрткўл туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, партия фаоллари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари иштирок этди.

Тадбирда кексаларни эъзозлаш, уларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиш бўйича мамлакатимизда, туманда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, нуронийларга яратилган шароит ва имтиёзлар ҳақида атрофлича тушунча берилди.

Иштирокчилар мутахассис ҳамда депутатларга ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича мурожаат қилишди. Масалан, Амина момо Матякубова ногиронлик аравачаси олиш масаласида туман Кенгаши депутатларидан ёрдам сўради. Депутатлар бу мурожаатни тез фурсатда ҳал этишга ваъда беришди.

Бундай давра суҳбатлари бошқа ҳудудларда ҳам ўтказилмоқда.

Қодир БУМАТОВ

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИНING ПОЗИЦИЯСИ

ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ТАКЛИФЛАРИ

«Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги янги таҳрирда қабул қилинган қонунда ўз ифодасини топди

Шуларни инобатга олган ҳолда, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилди ва у парламент Қонунчилик палатасида янада такомиллаштирилиб, қабул қилинди.

Айтиш керакки, Қонунни такомиллаштириш жараёнида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг тақлифлари, позициялари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўз вақтида Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан партия Сайловолди дастурига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган тақлифлар Қонуннинг янги таҳририда ўз ифодасини топди.

— Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, баркамол авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг

ўрни, аҳамияти катта, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев. — Шу боис аҳолининг спорт билан мунтазам шуғулланиш кўникмасини ошириш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, спортчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш долзарб аҳамият касб этади. Янги таҳрирда қабул қилинган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунда бу масалалар кенг қамраб олинган.

Қонунни қабул қилиш босқичларида фракциямиз спортчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кафолатлаш билан боғлиқ қатор тақлифларни берди ва улар инобатга олинди. Хусусан, Қонуннинг 25-моддасида спортчиларнинг айрим тоифалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзли пенсия олиш

ҳуқуқига эгалиги кафолатланди.

Бундан ташқари, фракциямиз тақлифи билан Қонуннинг 39-моддасида жисмоний тарбия, соғломлаштириш ҳамда спорт иншоотлари фуқароларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзли асосда хизмат кўрсатиш мумкинлиги тўғрисидаги қоида ўз ифодасини топди.

Кўриниб турибдики, Қонунда белгиланган маъзур меъёрлар бевосита аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масалаларни қамраб олган. Бу эса спортчиларни, ёшларни қўллаб-қувватлаш, жисмоний имконияти чеklangан кишиларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига керакли шароит яратилишида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Лазиза ШЕРОВА

СЕМИНАР

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШ БОРИШИ ЗАРУР

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан алоқадор ташкилотлар, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва ЕХХТ лойиҳалари Координатори офиси ҳамкорлигида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини ташкил қилиш» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Унда Кирилина Мария номидаги Лондон университет профессорси Дэвид Голдберг, Греция парламенти депутати ёрдмчиси, фуқаролик жамияти билан муносабатларни ривожлантириш бўйича эксперт Дмитрий Макарайдис ҳамда юртимизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда қайд этилганидек, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, сўз ва фикрлаш эркинлигини

таъминлашнинг ишончли кафолатлари яратилди, қонунчилик базаси мустаҳкамланди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкилиги тўғрисида»ги Қонун бу борада алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланди.

Семинар давомида ахборот хизматларини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари, амалиётда улардан самарали фойдаланиш масалалари бўйича зарур тавсиялар берилди. Мутахассислар томонидан давлат хизмати ва бошқарув органлари ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар билдирildi.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида аҳолига мақбул тиббий хизмат кўрсатилишини янада кенгайтириш ва унинг сифатини ошириш, айниқса, қишлоқ жойларда қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтиришга қўмаклашиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлардаги партия-миз гуруҳлари аҳолига малакали ва сифатли тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш билан боғлиқ қонунлар ижроси устидан депутат-лик назоратини олиб бормоқда.

Қишлоқларда тиббий хизматни янада яхшилаш масаласи

халқ депутатлари Урганч туман Кенгашининг доимий комиссиясида кўриб чиқилди

Хусусан, халқ депутатлари Урганч туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи қишлоқ жойларда аҳолига сифатли тиббий-санитария хизмати кўрсатиш бўйича олиб борилаётган ишларни ўрганиб, ютук ва камчиликларни таққослаб, таҳлил қилди. Ай-тиш керакки, масалани ўрганиш мақсадида йил бошида белгиланган чора-тадбирлар асосида мониторинг олиб борилди.

Маълум бўлишича, туманда 16 қишлоқ врачлик пункти фаолият юрляпти. Айни кунда қишлоқ жойларда тиббий ёрдамдан фойдаланиш сифат жиҳатидан яхшилانган. Тиббийёт мусас-сасалари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ҳозир уларни малака-ли кадрлар билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти.

Шунингдек, туманда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси бўйича ёши улуг отахону онахонлар соғлигини муҳофаза қилиш, уларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари кенг

йўлга қўйилди. Масалан, «Хеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин!» шiori остида ташкиллаштирилган тиббий кўрик давомида 500 нафарга яқин нуроний бепул кўрикдан ўтказилди.

Тахлилларга кўра, қишлоқ жойларда аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишда камчиликлар ҳам аниқланди. Мисол учун, айрим қишлоқ врачлик пунктларида ЭКГ ускуналари талабга жавоб бермайдди, уларнинг аксарияти таъмирталаб ҳолатга келган.

Чекка қишлоқлардаги ҚВПларни тез тиббий ёрдам машиналари билан таъминлаш яна бир долзарб масалалардир.

Халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутатлар масалани дастлаб партия гуруҳи йиғилишида кўриб чиқилди. Шундан сўнг ўрганиш натижалари, ишлаб чиқилган тақлифлар халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссиясига киритилди.

Доимий комиссия йиғи-

лишида туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиника мудири, қишлоқ врачлик пунктлари бўйича бош шифокор ўринбосари Қувондиқ Саитмуродов иштирок этди. Йиғилишда туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Аллаберган Маҳмудов кун тартибидеги масала юзасидан маъруза қилди. Доимий комиссия аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни кенг ва атрофлича муҳокама қилди. Депутатлар, мутахассислар ва мутахассислар ўзаро фикр алмашишди. Йиғилиш якунида тақлиф ва мулоҳазалар умумлаштирилди.

Доимий комиссия камчиликларни бартараф этиш, мутахассис ташкилотларнинг масъулиятини ошириш ва масалани халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритиш бўйича қарор қабул қилди.

Ноҳира ОДАМБАЕВА,
ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши бўлим мудири.



■ Ўзбекистон ХДП меҳнатга лаёқатли иш билан банд бўлмаган фуқароларни корхоналарда муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари билан самарали таъминлашни долзарб масала, деб билади.



■ Ўзбекистон ХДП ногиронлар меҳнат қилиши учун ихтисослашган корхоналар ташкил этишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, жумладан, ушбу мақсадда давлатнинг марказлашган сармоялари ҳисобидан бундай корхоналар тармоғини ривожлантириш чораларини кўриш лозим, деб ҳисоблайди.

Ушбу давлатда Халқ ҳаракати партияси етакчи сиёсий куч ҳисобланади. Мазкур партия 1965 йилдан буён ҳукуматни бошқариб келмоқда. Унинг етакчиси амалдаги Бош вазир Ли Сянь Лундир.

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil 19-sentabr. Shanba

111 (32.014)-son

www.uzbekistonovozi.uz

3

■ ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

Бугунги Сингапур ривожиди

сиёсий партияларнинг муҳим ўрни бор

Ўзига хос ривожланиш йўлига эга бўлган Сингапур нафақат Осиёнинг, балки дунёнинг энг тараққий этган мамлакатлари қаторидан жой олмоқда. Бунини мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан юксалаётгани, шу билан бирга, демократик жа- раёнларнинг чуқурлашиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

2015 йилнинг 11 сентябрь кунин Сингапур парламенти сайловлар бўлиб ўтди. Сингапур парламенти бир палатали бўлиб, 89 депутатлик ўрни учун 10 сиёсий партия вакиллари кураш олиб борди. Қоидага кўра, энг кўп депутатлик мандатига эга бўлган партия мамлакат Бош вазири номзодини илгари суради. Қизиқ томони, мамлакат тарихида илк марта парламент сайлови шанба эмас, балки жума кунини ташкил этилиб, шу кунин аҳолига дам олиш имкони берилди.

Сайлов кунин мамлакат бўйлаб 823 сайлов участкаси фаолият кўрсатди. Сайлов участкалари 12 соат — эрта- лаб 8:00 дан кечки 20:00 га қадар ишлади. Сайловда 2,46 миллион сайловчи овоз берди. Мазкур мамлакат қонунчилигига биноан, сайловларда овоз бериш мажбурий бўлиб, унда иштирок этмаган сайловчилар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ушбу давлатда Халқ ҳаракати партияси етакчи сиёсий куч ҳисобланади. Мазкур партия 1965 йилдан буён ҳукуматни бошқариб келмоқда. Унинг етакчиси амалдаги Бош вазир Ли Сянь Лундир.

Ушбу партия 1968 йилдан то 1980 йилгача парламентдаги барча ўринларни қўлга

киритган. Муҳолиф Ишчи партияси эса 1981 йилдагина парламентда депутатлик ўрнига эга бўлган. 2011 йилги сайловда эса 6 ўрин билан кифояланган.

Социал-демократия гояларини илгари сурадиган Халқ ҳаракати партияси 2006 йилги сайловда 66,6 фоиз сайловчилар овозини қўлга киритган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 60,14 фоизни ташкил қилди.

2015 йил 11 сентябрда ўтган сайлов натижалари шуни кўрсатдики, унда муҳолиф партиялар орасидан энг кўп ўринни Ишчи партияси эгаллади. Умумий натижаларга кўра, Халқ ҳаракати партияси 69,86 фоиз сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашига эришди.

Сиёсий экспертлар Халқ ҳаракати партиясининг галабасини икки омил билан боғлашмоқда.

Биринчи омил — бу мамлакат сиёсий ҳаётида юз берётган воқеа-ҳодисалар, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқдир. Шу йил баҳорда Сингапурнинг биринчи Бош вазири, 91 ёшли Ли Куан Ю оғир ахволда шифоҳонага тушди. Бу эса партия тарафдорлари ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлди. Оммавий ахборот воситалари унинг аҳоли тўғри-



сида тўтовсиз маълумотлар бериб борди. Мисол учун, йигирма ёшли Рассом Линнинг катта портретини чизади. Партия тарафдорлари томонидан мазкур портретга собиқ Бош вазирнинг исми 18 минг мартадан кўпроқ ёзилади. Март ойида Ли Куан Юнинг вафот этиши унинг тўғич ўғли, амалдаги Бош вазир Ли Сянь Луннинг мамлакатдаги обрўси янада ошиб кетишига сабаб бўлди.

Айнан собиқ Бош вазирнинг ўлими аҳоли, айниқса, партия тарафдорларини янада жипслаштиради. Бу эса партиянинг сайловларда мутлақ етакчи бўлишга олиб келди.

Ли Сянь Лун ўз Сайловларда дустурида Сингапурнинг

кейинги эллик йиллик ривожланиш стратегиясини илгари сурди. Яна эллик йил давомида Халқ ҳаракати партияси Сингапурни янада тараққий этишига хизмат қилишига сайловчиларни ишонтирди. Уларга қарата «Ҳаммаси сиз учун, Сингапур учун!» деди у.

Иккинчи муҳим омил эса муҳолиф партияларнинг Сайловларда дустурида муҳим масалалар илгари сурилмаганилиги, етарли даражада тарғиб олиб борилмаганидир. Сиёсий таҳлилчиларнинг фикрича, уларнинг дустурида аниқлик ва ҳаётчилик етишмади. Экспертларнинг таъкидлашича, сингапурлик сайловчилар учун икки асосий мавзу — «Ёғли нон ва мигра-

ция» жуда муҳим аҳамиятга эга. «Ёғли нон» масаласи эса бевосита мигрантлар масаласи билан чамбарчас боғлиқ.

Мамлакатда мигрантларнинг хаддан ташқари кўпчилиги натижасида маҳаллий аҳоли жуда кам маош олади. Бу ишсизликнинг ортисида сабаб бўлмоқда. Мазкур муаммо қанчалик жиддий эканини рақамлар ҳам кўрсатиб турибди. Яъни 2014 йилда Сингапурда истиқомат қилаётган кишиларнинг фақат 61 фоизининггина маҳаллий аҳоли ташкил этди.

Ишчи партияси ўз Сайловларда дустурида мамлакатда янгидан ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўтказиш кераклигини таъкидлади. Ишчи партия номзодлари сайловларда

кампанияси вақтида кўк рангли кийимларда иштирок этишди. Мазкур партия «барчага тенглик» гоясини илгари сурди.

Халқ ҳаракати партияси мигрантларнинг маошларини минимал даражада қисқартириш, шунингдек, хорижликларнинг ишга кириши ва мамлакатда яшашини тартибга солишга қаратилган гояларини илгари сурди. Ана шу сиёсат натижасида кўплаб сайловчилар уларни қўллаб-қувватлади.

Дарҳақиқат, Сингапур иқтисодиётининг ўсиши, аҳоли фаровонлигини таъминлаш бевосита мигрантларга чекловлар қўйилиши билан боғлиқ бўлиб турибди. Бундай сиёсат натижасида 2015 йилда мамлакат иқтисодиёти 2-2,5 дан 4 фоизгача ўсиши кутилмоқда.

Умуман, сайлов натижаси Халқ ҳаракати партиясини янада руҳлантирди, янги-янги гояларга илҳомлантирди. Сайловдан сўнг Ли Сянь Лун сайловчилар ишончи учун ўз миннатдорлигини билдириб, сайловлар демократик талаблар асосида ўтганини қайд этди. Бироқ, муҳолиф партия етакчиларининг қарашлари, тубдан бошқача бўлди. Улар сайлов натижаларидан норози эканликларини билдиришди.

Қандай бўлмасин, бугунги Сингапур ривожини Халқ ҳаракати партиясисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Партия сайловчиларга берган ваъдаларини қай даражада бажара олганини кейинги сайлов натижалари кўрсатади.

Нуралӣ ОРИПОВ

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари»

илмий-маърифий журналининг навбатдаги 3(67)-сонини нашрдан чиқди

Ундаги асосий мақолалар мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Бахтиёр Мирбобоевнинг «Парламент назорати — давлат ҳокимияти шохобчалари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимида муҳим механизм сифатида» сарлавҳали мақоласида мамлакатимиз миллий парламентини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилган. Парламентнинг ҳар икки палатасига берилган ҳуқуқ ва ваколатлар аҳамияти, хусусан, парламент назоратининг таъсирчанлиги ва

самарадорлигини кучайтиришга йўналтирилган янгиланган мисоллар асосида ҳикоя қилинади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошчилиги Алишери Очловнинг «Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамиятнинг асоси» сарлавҳали мақоласи эса жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича олиб борилаётган тарғибот ишларидаги ютуқлар ва муаммоларга бағишланади.

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Бекзод Мусаевнинг «Ўзбекистонда чет эл фуқароларининг меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари», Ўзбекис-

тон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди Нилуфар Жўраеванинг «Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари давлат ҳимоясида», Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқотчиси Сардорбек Абдуллаевнинг «Аҳоли бандлигини таъминлаш — ижтимоий ҳимоянинг энг мақбул йўли» каби мақолаларда ҳам мустақиллик йилларида инсон ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш, манфаатини ҳимоялаш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар аниқ маълумотлар, ҳаётий мисоллар асосида таҳлил этилган.

Шунингдек, ижтимоий шерик-



лик муносабати, Марказий Осиё минтақаси жаҳон цивилизацияси марказларидан бирига айланишининг омиллари, ногиронларнинг транспорт хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқлари мониторингига бағишланган мақолалар ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотиши табиий.

ЭЪЛОН

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий сармоядорлар диққатига!

«Navro'z dehqon bozori» акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги 2340-сонли қарори 2-илласига мувофиқ қўшимча эмиссия акцияларининг биржадан ташқари очик савдо-ларига тақлиф этади.

Акциялар «ELIS-SAVDO» АЖнинг биржадан ташқари очик савдолари орқали бир донаси 7 340 сўмдан сотувга қўйилган. Сотувга қўйилган акцияларнинг жами сони 576 471 дона (Устав фонднинг 47,0 фоизни) ташкил этмоқда. Шошилинч, имкониятинингизни қўлдан бой берманг!

Мурожаат учун:
«ELIS-SAVDO» АЖ (+99871) 236-21-82,
e-mail: elsavdo@mail.ru www.elsavdo.uz
«Navro'z dehqon bozori» АЖ (+99871) 268-12-70.

Гувоҳнома №668
Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА

Кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси

қуйидаги иншоотларга танлов савдоларини эълон қилади

Т/р	Объектлар номи	Бошлангич нархи ҚҚС билан сўм	Бошлангич нархи ҚҚС сиз сўм	Бажариш муддати
1.	Наманган вилояти, Наманган шаҳар Лутфий кўчасидаги фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди ва жиноят ишлари бўйича шаҳар суди биноларини мукамал таъмирлаш	1 992 223 216	1 660 186 013	240 кун
2.	Наманган вилояти, Учқўрғон шаҳрида жойлашган жиноят ишлари бўйича Учқўрғон туман судининг бино ва иншоотларини мукамал таъмирлаш	741 135 820	617 613 184	180 кун

Буюртмачи: Наманган шаҳри С.Шероий кўчаси, 5-уйда жойлашган Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси
Тел: (0-369) 233-03-71, факс: 233-03-69.

Лойиҳани молиялаштириш: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағи

ҳисобидан амалга оширилади.
Диққат! Танлов савдолари (тендерлар) фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдоларида фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудратчи ташкилотларнинг иштирок этишига рухсат этилади, танлов савдо

предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридидаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк қаролатилган, ишлаб чиқариш базаси, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари, мутахассисларнинг мавжудлиги, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаб таъмирбасига, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фу-

қаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, таърибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий танлов тақлифлари қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Қонун ҳужжатларида мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер тақлифлари қатнашчиларнинг тендер тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан

савдо ташкилотчиси — Наманган вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй, Тел.: факс: (0-369) 227-94-30, 227-91-47 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 150 000 сўм.
Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юридаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соати.

Тақлифлар матбуотда эълон чоп этилган, кундан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.



Технологик

мукамаллик

ортиқча дахмаза...ми?

Фарб мамлакатлари тадқиқотчиларининг аниқлашига кўра, кейинги пайтларда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар шунчалар мукамаллашиб бораптики, ҳайдовчи рўпарасига жойлаштирилган ва сон-саноксиз вазифаларни бажаришга мўлжалланган тугмачаларнинг аксариятидан деярли фойдаланишмас экан. Ваҳоланки, ҳар битта тугма маълум бир вазифани бажаради.



Аксарият ҳайдовчиларнинг айтишича, дейилади «Мир новостей» ҳафтаномасида чоп этилган ахборотда, бу тугмачалар ҳайдовчига қулайлик яратиш учун қилинган. Лекин эҳтиёж бор-йўқлиги инобатга олинмаган. Яъни сўровда иштирок этган ҳайдовчиларнинг 20 фоизи янги автомобиль сотиб олганига 4 ой вақт ўтган бўлишига қарамай, унинг салоҳиятига тугмачаларнинг ярмидан хали фойдаланмаган. Энг «керасиз» тугмача яқин масофада жойлашган ресторан ёки ёнидаги қўйиш шохобчаси ҳақида ахборот берувчи тугмача экан. 43 фоиз ҳайдовчи мазкур тугмачадан умуман фойдаланмас экан. 38 фоиз ҳайдовчи эса автомобильдаги мобил рутерлардан — симсиз интернет имкониятларидан фойдаланишни хоҳламаслигини очик айтган. Негаки, улар учун автомобилдаги интернетдан кўра, мобил телефондаги интернетдан фойдаланиш қулайроқ экан. 35 фоиз ҳайдовчи автомобиллар тураргоҳидаги бўш жойга машина автоматик равишда жойлашувини амалга оширадиган тугмачага эҳтиёж йўқ деб билади. Шу боис бу тугмачани бирор марта ҳам ишлатмаган.

Сўров натижаларини таҳлил қилган экспертларнинг таъкидлашича, айни пайтда ўта мукамаллашган технологияга эга автомобиллардаги тугмачаларнинг қўлиги уни сотиб олувчилар учун ортиқча дахмазадек туюлмоқда. Унутмаслик лозимки, машина қанчалик мукамаллашгани сари нархи шунчалик умуман фойдаланиш бораверади.

Тиконли сим

тўсиқлар

узайгандан узаймоқда

Бугунги кунда дунё мамлакатлари бўйлаб муҳожирачлар оқимининг кўпайиши кузатишмоқда. Шу боис айрим давлатлар ўз чегараларини тиконли симлар билан ўраш ёки баланд деворлар билан тўсишга ҳаракат қилмоқда.

Жумладан, Эстония 110 километрлик чегарасини 2,5 метр баландликдаги тиконли симлар билан ўрашга қарор қилди ва бунинг учун 71 миллион евро миқдоридида маблағ ажратди. Венгрия ҳам Яқин Шарқ ва Африкадан Европага муҳожирачлар оқимини «кесиш» учун 175 километр масофалик чегарасини тўсишга киришди. Исроилда эса «Буюк Исроил девори» қурилиши давом этмоқда. У 740 километрлик саҳрони «ёриб» ўтади.

Бундай чегара тўсиқларининг энг узунни Саудия Арабистонидадир. Мамлакат Яман билан 1800 километрлик чегарасини темир тўсиқлар билан тўсмоқда.



■ ХАЛҚИМИЗНИНГ МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИ — КУРАШ 2018 йили ИНДОНЕЗИЯНИНГ ЖАКАРТА ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН XVIII ЁЗГИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ДАСТУРИГА КИРИТИЛДИ. БУ ҲАҚДА ОСИЁ ОЛИМПИА ЯНГАШИНИНГ АШХОБОД ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН НАВБАТДАГИ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.



■ САМАРҚАНДДА «ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ — АХБОРОТ ОЛИШ-ДА ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИ ТАЪМИНЛАНИШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ» МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.




«ФАРФОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ»

УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни муборак
Қурбон ҳайити байрами билан
табриклайди.

Мамлакатимиз ҳамиша тинч,
халқимиз турмуши фаровон,
Ватанимиз янада
обод бўлсин!



MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959
11028
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 00.40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

7 772 030 763 006

1 2 4 5 6